



**ERKIN VOHIDOV
SHE'RIYATINING
O'ZIGA XOS
XUSUSIYATI**

**ISMOILOVA MARHABO
BOYSAROVNA**

*O'qituvchi, Qarshi davlat
universiteti*

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp84-86>

Annotatsiya: *Ushbu maqolada XX asr o'zbek she'riyatining shaklan va mazmunan rivojlanishida Erkin Vohidov she'riyatining o'ziga xos xususiyatlari haqida fikr yuritiladi.*

Kalit so'zlar: *aruz, mustazod, poetik shakl, misra, bahr, vazn, taqte', hazaj.*

XX asr ўzbek шеърияти ҳақида фикр юритилганда, шубҳасиз, икки буюк ижодкор – Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовларнинг XX asr ўzbek шеъриятида тубдан ўзгариш ясай олганликларини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Бу забардаст шоирлар ўтган asr ўzbek лирикасининг энг характерли хусусиятларини яратиб бера олган ижодкорлардир. Узоқ вақт амалда бўлган ва бирхиллик кўзга ташланиб турган ўzbek шеъриятида шаклий янгиланиш бўлди. Бу новаторликни аруз вазнига бармоқ вазнидаги туруқнинг кириб келиши билан изоҳлаш мумкин. Энди арузда ёзиладиган ғазаллар аввалги asрлардагидек оғир ўқилмасдан, ўйноқилик, енгил ритмда яратилганлиги билан китобхон қалбига тез етиб бориш характерига эга бўлди. Натижада, ғазаларнинг мавзу мундарижаси кенгайди ва ижтимоийлашди; ифода усули янгиланди; шаклан соддалашди.

Биз буни Э. Воҳидов ижоди мисолида кўриб ўтайлик. Шоир ғазалларининг мавзу мундарижасига қарайдиган бўлсак, ишқ мавзусидан ташқари ватанга садоқат, дўстга вафо, табиат тасвири, ички туйғулар, олам ва одам муаммолари ва уларга муносабат, мулоҳаза ва муҳокама етакчилиқ қилади. Масалан:

*Ул Ватанга байроқ- инсоф,
Туғи - сарҳад, муҳри- меҳр,
Сарҳад узра соқчидек
Турмоқни истайдир кўнгил.
("Ватан истаги", 1990.)*

Вазни: хазажи мусаммани солим (фоилотун, фоилотун // фоилотун, фоилотун //).

Ватан мавзуси азалий тушунча бўлса-да, ифода усулида ички кечинмалар билан қоришиқлиқнинг кўзга ташланиши шоирнинг новаторлигидир. Ёки пейзаж лириканинг гўзал намунаси бўлмиш қуйидаги парчани кўрайлик:

*Айтиб бўлдим сўнгги кўшиқни,
Жўнаб кетди қуёш ҳам аста.
Алвон кўйлак кийган уфқнинг
Этагида колди гулдаста.*

Сўнгги кўшиқнинг, яъни куннинг тугаши билан қуёшнинг жўнаб кетиши (ботиши), уфқнинг алвон кўйлак кийиши ва қуёшнинг қизил нурлари – гулдасталарини қучоқлаб қолиши, яъни қуёш ботиши ва куннинг тугаш ҳолати чизилган картина янгича тасвир усулида яратилганлиги билан кишини ўзига тартади. Шоир лирикасини кузатар эканмиз, унда интимлик ва ижтимоийлик қоришиб кетганлиги яққол кўзга ташланади. Масалан, “Дўстга деганим” (1991) шеърини кўрайлик:

*Инсон тилини
Тил билар инсон тушунибдир.
Дил дилни ва лек,
Ўйлама, осон тушунибдир.
Рост сўзни дедим:
Жонни қўйиб ўртага, аммо
Жон дўст деганим
Ваҳ, уни ёлғон тушунибдир...*

Ишончли дўст топиш ва унинг ишончига эришиш ижтимоий муаммо бўлиб, қалблар бирлигига эришган садоқатли чин дўст топиш йўлидаги қийинчилик ушбу шеър ғоясини ташкил этади.

“Ҳофизга”, “Замон”, “Дуторим тори иккидур”, “Ойнинг ўн беши қоронғу”, “Сир айтар ғунчага ғунча”, “Севги”, “Севги келса”, “Гулчеҳралар”, “Тонг ғазали”, “Тола соч”, “Масал борким...” каби шеърларни ўқир эканмиз, ишқий мавзу етакчилик қилса-да, уларда гоҳ ижтимоийлик, гоҳ интимлик аралашиб кетади. Бироқ “Ойдин кеча...”, “Қуббон кўлига”, “Тонг лавҳаси” кабилар пейзаж, “Қўллар”, “Эски ҳаммом эски тос”, кабилар соф ижтимоий, “Фурсатинг”, “Яхшидир аччиқ ҳақиқат”, “Йўқни қандоқ бор этай” каби шеърлари ижтимоий-фалсафий, “Бизга сўз тегди кеча”, “Донишқишлоқ латифалари” туркумидаги шеърлари эса ҳажвий йўналишда ёзилган бўлиб, улар шоир шеърларининг мавзувий йўналиши кенг эканлигини кўрсатади:

*Бенажот кўнглимни қандоқ
Сўз билан изҳор этай?
Қай илож бирлан иложсиз
Ҳолатим ошкор этай?
Неча заҳматлар чекиб ҳам
Топмагач ақлу ҳушим,
Қилмангиз энди насиҳат,
Йўқни қандоқ бор этай?
 (“Йўқни қандоқ бор этай?” шеъри, 1991)*

Эркин Воҳидовнинг ранго-ранг шеърят бўстони сайр этар эканмиз, ундаги бир-бирини такрорламайдиган ўзига хос ва бетакрор жозоба китобхон қалбини шодликка тўлдиради, ҳаётсеварлик руҳини ўқувчи қалбига ҳам юқтиради, чунки унда илоҳий жозоба шакл ва мазмун уйғунлигида тараннум этилган. Бу эса ижодкорнинг туғма истеъдод соҳиби эканини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эркин Воҳидов, Сайлама, 1-жилд, 2000-й.
2. Эркин Воҳидов, Сайлама, 2-жилд, 2001-й.
3. Эркин Воҳидов, Сайлама, 3-жилд, 2001-й.